Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (5898).

22 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

РАЙОНЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ ВА СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ СЕМИНАРИ

Кеча «Октябрь 10 йиллиги» номли дам олиш уйида районларнинг раҳбарлари, колхоз раислари ва совхоз директорларининг область семинари машғулотлари бошланди.

Семинарда районлар партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, область ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар иштирок этмоқдалар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов 1976 қишлоқ хўжалик йили якуни ва КПСС XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети октябрь (1976 йил) Пленуми қарорлари асосида область партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхозлари раҳбарларининг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш бўйича вазифалари ҳақида доклад қилди.

Область партия комитети секретари А. И. Икромов доклади қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифаларига бағишланди.

Семинарнинг биринчи иш кунида яна бошқа бир қатор докладлар тингланди.

Семинар ишида Тошкент область ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов, область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов, касаба союзлари область Советининг раиси А. В. Брайлов, область халқ контроли комитетининг раиси М. М. Муллаев ўртоқлар иштирок этмоқдалар.

Семинар уч кун давом этади.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТ

Ўлкамизда баҳор нашидаси. Боғ, адрларда, дала ва экинзорларда меҳнат шавқ-завқи жўш урмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги муносабати билан чиқарилган қарори мамлакатимизда сиёсий ва меҳнат активлигини янада юксалтириб юборди. Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва маданият, қурилиш ташкилотларининг барча соҳаларида шонли юбилейни муносиб кутиб олиш, беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунлаш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйди.

Республикамиз ва областимиз қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултой ва кенгашлари, 1977 йил учун олинган социалистик мажбуриятлар ва ниҳоят ҳаммамиз учун бениҳоя хурсандчилик бахш этган КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорларида ўтган йилнинг улкан зафарлари ва якунлари кўрсатиб берилди, бу йилги улуғвор ишлар ва тадбирлар белгиланди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида иттифоқдош республикалар орасида Ўзбекистон республикамизнинг ҳамда Тошкент областининг ғолиб чиққанлиги ва кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланганлиги қишлоқ меҳнаткашлари ижодий ишларига берилган юксак баҳодир. Бу баҳо ҳаммамизнинг қалбимизни беҳад хушнуд этади. Республикамизда 1976 йилги халқ хўжалиги планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа ғолиблари орасида областимиз ва Тошкент шаҳрининг жуда кўп саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, районлари, колхоз ва совхозлари, завод ва фабрикалари бор. Улар беш йилликнинг биринчи йили умумхалқ ҳаракатининг ҳақиқий қаҳрамонларидирлар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарор ҳамда Мурожаатида юбилей йилидаги вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб берилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача ҳар бир саноат корхонаси, қурилиш объектлари, колхоз ва совхозларнинг йиллик план ва социалистик мажбуриятларини тўла бажариш — шарафли ва муқаддас бурчдир. Партия ташкилотлари, жамоатчилик ва бутун меҳнаткашларнинг диққат-эътибори, куч-ғайрати, талант ва маҳорати ана шунга қаратилмоғи лозим. Завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар 1977 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Йилнинг якун ва самараси шу кунлардаги ишимизнинг қандай ташкил этилиши, ақл ва идрок, илғор тажриба ва методлар асосида иш олиб боришимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни яхши тушунган ва тажрибали кўп истиқбол, муваффақият қозонган хўжаликларнинг раҳбарлари ана шу усулда иш олиб бормоқдалар.

Кўклам экиш кампанияси бошлаб юборилди. Уруғликлар ҳозирланмоқда, далаларга ўғит чиқарилмоқда, техника ва машиналар сўнгги марта кўрикдан ўтказилмоқда. Ариқ-зовурлар қазилиб, ерларни экишга барвақт тайёрлаш ҳамда кадрларнинг ўқувини пухта ташкил этиш юзасидан тегишли тадбирлар кўрилмоқда. Сабзаворкорлар эл дастурхонига эртаги ноз-неъматларни ҳадя этиш ҳаракатида. Чорвадорларнинг иши қизиб кетди. Калинин районининг асаамат сабзаворкорлари теплица ва плёнкалар остида эртаги сабзаворлар етиштирмоқдалар. Келес массиви ва бошқа хўжаликларнинг қўйчивонлари кўзилатишни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳар бир қўзини соғлом ўстириш чораларини кўрмоқдалар. Оққўрғон, Янгиўл, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларида пахтакорлар, ғаллакорлар, боғбонлар бу йил ўз устларига олган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан янги-янги резервларни излаб топмоқдалар.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам кўкламги экишга пухта тайёргарлик билан киришилаётган эмас. Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро йиғилиши бу масалага алоҳида эътибор берди. Баъзи районлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўтган йилги ютуқларга маҳлиё бўлиб, бамайлихотиржам юришдилар. Бўка ва Бекобод районларининг айрим хўжаликларида, Оҳангарон ва Бўстонлиқ районларида сара уруғликлар тайёрлаш ниҳоясига етказилган эмас. Техника ремонти кўзда кечирилганда кўпгина камчиликлар аниқланди. Далварзин, Чиноз, Оққўрғон пахта заводларида уруғликнинг тайёрланиши кўнгилдагидек эмас. Кузда экилган дон кўпчилик ерларда яхши ҳосилдан дарак бериб турипти. Айрим жойларда эса қўшимча тадбирларни кўриш талаб этилади. Бутуниттифоқ, республика мусобақаларида областимиз чорвадорлари ҳамма вақт байроқдор бўлиб келмоқдалар. Лекин айрим хўжаликларнинг маҳсулот етиштиришни пухта ташкил эта олмаганликлари натижасида гўшт, сут, тухум етиштириш планлари бирмунча камайиб кетди. Бунга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак. Илғор, байроқдор областимизнинг ҳамма соҳаларда пешқадам бўлиши учун бутун чора ва тадбирларни кўриш лозим.

Матбуотда саноат, қурилиш ташкилотларининг илғор ишчилари бошлаб берган ажойиб ташаббуслар эълон қилинди. Улар юбилей йилида янада юксак марраларни эгаллаш, социалистик мажбуриятларни байрамгача бажариш юзасидан ватанпарварлик ҳаракатларини бошлаб бердилар. Янгилик, ижодий изланиш, илҳомбахш меҳнат байроқдорларининг олий жаноб ишлари миллионлар учун намуна бўлмоғи лозим. Саноат корхоналарида сифат ва самарадорлик учун курашаётганлар, беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарган учун отланган азаматлар сафи янада кенгайсин ва кўпайсин. Юбилей йилида ҳар бир корхона, цех, участка ва ҳар бир ишчи-хизматчининг янада юксак кўрсаткичлар билан ишлашига эришайлик.

Партиямиз Марказий Комитети эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, янги чўққиларни эгаллаш учун янада юксак ташкилотчилик кўрсатиш ва илҳомбахш меҳнат қилишни талаб этади. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар Октябрнинг шонли 60 йиллиги муносабати билан кенг қулоч ёйган умумхалқ социалистик мусобақасига бошчилик қилишлари керак. Идеология, оммавий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларимизнинг бутун форма ва методлари халқимизнинг ғайрат ва ташаббусини юксалтиришга, илғор, прогрессив, ғолиб, ватанпарварлик ҳаракатларини кенг қулоч ёйишга қаратилмоғи лозим. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган ғоят муҳим ва сиёсий ҳужжат ҳар бир меҳнаткашнинг ва коллективнинг онгига етказилиши, ундан самарали ва ижобий хулосалар чиқариб олишимиз керак.

Юбилей йилининг дастлабки ойлари муваффақиятли бошланди. Саноат корхоналарининг илғор коллективлари икки ойлик планнинг муддатидан илгари бажарилгани ҳақида рапорт бермоқдалар. Давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида эришилаётган дастлабки муваффақиятлар ғоят қувончлидир.

Ўтган йилнинг зафарли якунлари юбилей йили парвозларга қанот бахш этсин. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолибларига шон-шарафлар. Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини коммунистик қурилишда янги зафарлар билан қутиб олайлик.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН, 1976 ЙИЛГИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар, шаҳар районларининг, саноат, қурилиш, транспорт ҳамда 1976 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг республика социалистик мусобақаси якунларини қараб чиқиб, қуйидагиларни ғолиб деб топдилар ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда дипломлари билан мукофотладилар.

ОБЛАСТЛАР

Андижон области,
Жиззах области,
Қашқадарё области,
Самарқанд области,
Сирдарё области,
Фарғона области.

Қуйидагилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар:

ШАҲАРЛАР ВА ШАҲАР РАЙОНЛАРИ

Тошкент областидан — Чирчиқ, Янгиўл шаҳарлари, Тошкент шаҳридаги Ҳамза райони

Фарғона областидан — Марғилон шаҳри

Хоразм областидан — Урганч шаҳри

Қуйидагилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар:

КОЛЛЕКТИВЛАР

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг «Ўзбекгидрогеология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг «Самаркандгеология» бирлашмасига қарашли Зармитан геологияразведка экспедицияси;

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ўзбекнефтегазразведка» бирлашмасига қарашли Ҳисор олди нефть ва газ разведка экспедицияси;

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ташкентгеология» бирлашмасига қарашли шарқий Қурама геология-разведка экспедицияси;

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Меҳнат Қизил байроқ ордени Тошкент ГРЭСи;

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг «Узкожобувьпром»га қарашли Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг Янгиўл пахта заводи;

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Тошкент булка-кондитер комбинати;

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Олмалиқ пиво-спиртсиз ичимликлар заводи;

Тошкент область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг Юқори Чирчиқ момиқ фабрикаси;

Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси;

«Узплодоовощвинпром»нинг Тошкент шампан винолар заводи;

«Узплодоовощвинпром»нинг У. Юсупов номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Янгиўл вино заводи;

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Оҳангарон цемент комбинати;

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Тошкент бинокорлик материаллари комбинати;

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Ангрен бинокорлик материаллари комбинати;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзбекшахтострой» трести;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзстройдеталь» трести;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзстроймеханизация» трести;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ташпромстрой» трести;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министригининг 162-трести;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзтранспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Ўзсантехгазмонтаж» трести;

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 1-Тошкент монтаж бошқармаси;

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг енгил металл конструкциялар экспериментал заводи;

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг «Сельтрансспецстрой» трестига қарашли 25-механизациялашган махсус кўчма колоннаси;

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг «Ўзсельстройдеталь» трестига қарашли Бектемир темирбетон буюмлар заводи;

«Главташкентстрой»нинг «Строймеханизация» трестига қарашли 1-механизация бошқармаси;

«Главташкентстрой»нинг «Отделстрой» трестига қарашли 28-қурилиш бошқармаси;

«Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасига қарашли 1-темир-бетон буюмлар заводи;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозларда қурилиш давлат-кооператив бирлашмаси — «Узколхозстрой»нинг Тошкент «Облколхозстрой» трести;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозларда қурилиш давлат-кооператив бирлашмаси — «Узколхозстрой»га қарашли 1-«Узколхозспецстрой» трести;

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармасининг декоратив боғдорчилик совхози;

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг Тошкент шаҳар марказлаштирилган тарзда юк ташийдиган ишлаб чиқариш автомобиль трести;

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг республиканинг «Узавторемонт» саноат бирлашмасига қарашли 4-Олмалиқ автомобиль ремонти заводи;

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллар қурилиш ва фойдаланиш министрлигининг йўл-қурилиш материаллари комбинати;

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллар қурилиш ва фойдаланиш министрлигининг магистраль автомобиль йўллари эксплуатация-линияли бошқармасига қарашли Тошкент йўл-эксплуатация участкаси;

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг 1-«Ўзбексвязьстрой» трести;

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат министрлигининг «Автотехобслуживание» бош бошқармасига қарашли Тошкент шаҳар «Автотехобслуживание» бошқармаси;

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг республика «Узопталайтерея» базаси;

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг Тошкент шаҳар Фрунзе ошхоналар трестига қарашли 12-ошхона;

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биология институти;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ёғоч тайёрлаш ва ёғочсозлик бош бошқармаси Тошкент дурадгорлик буюмлари заводи;

«Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети материал-техника таъминоти бош бошқармасининг республика «Узглавмашснабсбит» базаси;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг «Ўзбекистон» нашриёти;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг офсет босма фабрикаси;

Ўзбекистон карлар жамиятининг 1-Тошкент ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси;

Республика «Узспорторг» ихтисослаштирилган савдоси;

Ўзбекистон кўрлар жамиятининг Тошкент шчетка фабрикаси;

Ўзбекистон ССР Госпланининг республика «Узглавмеханизация» тармоқлараро ишлаб чиқариш бирлашмаси.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан областлар, шаҳарлар, районларнинг меҳнаткашларини, саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларининг коллективларини қутлаб, республика ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, барча меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш билан кутиб оладилар, ўнинчи беш йилликнинг улкан вазифаларини амалга ошириш учун бутун куч-ғилим ва тажрибаларини сарфлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.



Сарой ҚУШМАНМЕТОВА Оққўрғон районидаги Калинин номли колхознинг илғор сут соғувчиларидан. У қишнинг совуқ кунларида ҳам ўзига бириктирилган 18 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига ўн килограммдан ошириб сер каймоқ сут соғиб олмоқда. Суратда: С. Қўшманметова. Х. Аввалов фотоси.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

ТОШКЕНТ областининг меҳнаткашлари киевликлар ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаб 1977 йилда чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида область колхозларида ва давлат хўжаликларида гўшт етиштиришни 38 минг тоннага, сут етиштиришни 138 минг тоннага, тухум етиштириш 250 минг дона, жун етиштириш 1100 тоннага етказилади. Бу 1976 йилда эришилган даражадан анча кўпдир.

Биз Қашқадарё области чорвадорларининг социалистик мажбуриятларини чуқур диққат-эътибор билан ўқиб чиқдик ва уларнинг ташаббусига қўшилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини янги муваффақиятлар билан нишонлашга аҳд қилдик. Область қўйчивонлари ўртасида совлиқлардан кўзи олишда юкори кўрсаткичларга эришиш учун социалистик мусобақа кенг тус олдирилди. Масалан, Чиноз районидаги Жанбул номли совхознинг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Номозбой Шуйбеков, Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозидан Мўмин Холтўраев, Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоздан Ризо Муждабоев, Калинин районидаги Оҳунбоев номли совхоздан Тажибек Жунусов ва бошқалар ҳар 100 бош совлиқдан 125-130 тадан кўзи олишга қарор қилдилар. Юқори Чирчиқ райони қўйчивонлари эса 105 тадан кўзи олиш учун кураш бошладилар.

Область бўйича гўшт-жун берадиган ҳар 100 бош совлиқдан 100 тадан кўзи олиб, уларнинг ҳаммасини боқишга қолдирамиз. Шу йилнинг ўзида қўй ва эчкилар сонини 42 минг бошга кўпайтирамиз ва уларнинг умумий сонини 450 минг бошга етказамиз.

Ана шу мажбуриятларни бажариш учун қўйларни боқиш ва урчитишда прогрессив технологияни, эрта кўзилатиш усулини кенг қўллаймиз. Оҳангарон зотига мансуб кўп гўшт, жун берадиган қўйларнинг маҳсулдорлигини оширамиз.

Кўзилатиш кампаниясини юксак уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ 165 минг бош қўзига мўлжалланган иссиқ қўралар тайёрлаб қўйилди. Отарлардаги барча совлиқлар дағал хашак, аралаш ва минерал озуқа билан етарли таъминланган.

Қўйларни боқишда тоғ ва тоғ этакларидаги яйловлардан тўлиқ ва унумли фойдаланамиз. Қўйларни бўрдоқига боқиш учун интенсив усулларни қўллаймиз, гўштга топшириладиган ҳар бош қўйнинг тирик ўртача вазнини 50 килограммга етказамиз. Қўйчиликда наслчилик ишларини янада такомиллаштирамиз, қўйлардан кўп жун қирқиб олишга эришамиз. Жун қирқишни уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўтказамиз, гўшт-жун берадиган ҳар бош қўйдан 3 килограммдан, дағал жунли қўйлардан 2,2 килограммдан, область бўйича эса ҳар бош қўйдан 2,5 килограммдан жун қирқиб оламиз.

Беда экилган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш, табиий пичанзорлардан тўлиқ фойдаланиш ва бошқа озуқабоп экинларнинг майдонини кенгайтириш, донли экинлар ҳосили йиғиб олингандан кейин кўп сомон жамғариш ҳисобига чорвачиликнинг ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаймиз, 570 минг тонна дағал хашак ва 270 минг тонна сенаж тайёрлаймиз.

1977 йилда қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун барча резерв ва имкониятларни ишга соламиз ,Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз.

Мажбуриятлар колхоз ва совхозлар коллективларини йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган, область партия-хўжалик активида маъқулланган.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик бўйича 1976 йилги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқиб қарор қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи яна Тошкент областида (Область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Юсупов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов) қолдирилди. Область чорвадорлари қорамоллар сонини оширишни таъминладилар, гўшт етиштиришни 9 процент, сут етиштиришни 7 процент кўпайтирдилар. Ҳар бир сигирдан 3009 килограммдан сут соғиб олишга, ҳар бир товуқдан 173 тадан тухум олишга эришдилар. Гўшт ва сут тайёрлаш йиллик планнинг 109 процент, жун тайёрлаш йиллик планини 111 процент бажардилар. Барча турдаги моллардан бузоқ олишни кўпайтириб чорва ва паррандани яхши сақлаб қолишга эришдилар. Давлатга сутнинг 8,5 процентини биринчи сортга топширдилар. Хашак тайёрлаш планини 147 процент, витаминли ўт талқони ишлаб чиқаришни 116 процент ва силос тайёрлашни 111 процент бажардилар.

Кўчма Қизил байроқ шунингдек, Калинин районидаги «Қорасув» давлат зотли паррандачилик заводига (директори Ғаниев, партия ташкилотининг секретари Аҳмадбоева, маҳаллий комитет раиси Овчинников ўртоқлар) берилди. Бу завод ҳар бир товуқдан 162 тадан тухум олишга эришган. Катта ёшдаги паррандаининг 99,7 процентини, жўжаларнинг 96 процентини сақлаб қолишга эришган. Тухум етиштириш йиллик планини 109 процент, гўшт етиштириш йиллик планини 170,4 процент, тухум очириш планини 137 процент, жўжаларни реализация қилиш планини 169 процент бажарган, шунингдек, давлатга тухум ва парранда гўшти топшириш мажбуриятини оширди бажаришни таъминлаган, тухум ва парранда гўшти етиштириш таннархини камайтиришга эришган, пландан ташқари 140,9 минг сўм фойда олган. Байроқ Самарқанд область Каттақўрғон районидаги 1-зотли паррандачилик совхозидан олиб берилади.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ПЛАН — ҚОНУН

Областимиз саноат корхоналари коллективлари социалистик мусобақани кундан-кунга қулоч ёйдириб юксак марраларга эришмоқдалар. Ҳар бир коллектив бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ ишлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймоқда. Ўтган йили область бўйича 71,8 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот реализация қилинганни эришилаётган муваффақиятларни ифодалаб турибди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Чирчиқ трансформатор заводи, Эйвали қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, Қибрай пиво-алкогольсиз ичимликлар комбинати белгиланганидан 6.9 миллион сўмлик кам маҳсулот реализация қилдилар. Область бўйича 42 корхона товар маҳсулотининг таннархини қимматлашишига йўл қўйди.

Чирчиқ трансформатор заводи 1170 минг сўмлик, Эйвали қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати 2404 минг сўмлик, Қибрай пиво-алкогольсиз ичимликлар комбинати 3121 минг сўмлик маҳсулотни кам реализация қилди.

Халқ назоратчилари бу корхоналарда айрим маҳсулот турларни ишлаб чиқаришни ёмон йўлга қўйилаётганини аниқлашди. Чунончи, Чирчиқ трансформаторлар заводида бундай камчиликнинг юз беришига сабаб корхона раҳбарлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсишини таъминлаш тадбирларини амалга оширмаганлари. Ишлаб чиқариш қувватлари ўз вақтида ўзлаштирилмаяпти. Малакали ишчилар етишмайди. Айниқса ишлаб чиқаришни кўпгилдагидек ташкил этмаслик ва цехларнинг бир меёрда ишламаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Баъзи корхоналарда маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетганлигининг сабаблари ҳам аниқланди. «Ташзаготглубпром» область бирлашмасидаги ўн бир корхонанинг иккитасида — Гул ва Янгибозор луб заводларининг ҳар бирида таннарх 400 минг сўмга ошиб кетди. Бу эса фойда олиш кўрсаткичига салбий таъсир этди.

Область халқ контроли комитети бу масалани кўриб чиқиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишни намунали йўлга қўйилмаганлиги, планлар мунтазам бажарилмаётганлиги учун, Чирчиқ трансформатор заводининг директори Р. Саримсоковга виговор эълон қилди. Эйвали қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг директори И. Пономарев ва «Ташзаготглубпром» область бирлашмасининг бошлиғи Эргашев огоҳлантирилди.

СОЦИАЛИСТИК МУЛК ДАҲЛСИЗ

Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари социалистик мулкнинг даҳлсизлигини таъминлаш мақсадида контроль-ревизия ишларининг даражасини оширш учун қандай ишлар қилаяпти! Бу масала ишлаб чиқариш йиғилишларида, область ва район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари советларида тез-тез кўриб борилаяпти. Лекин ҳамма жойда ҳам контроль-ревизия ишларининг даражаси юқори деб бўлмайди. Ревизиялар юзаки ўтказилмоқда, кўзбўямачиликка қарши муросасизларча курашилмаяпти. Масалан, Оққўрғон ва Чиноз район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари қишлоқ хўжалик артели Уставига қандай риоя қилинаётганлигини катъий назорат қилмаяпти.

Бўка районидаги Ильич номли колхознинг собиқ раиси У. Жорқинбоев колхоз иқтисодиётидаги М-21 маркали «Волга» автомашинасини ўзлаштириб олганлиги аниқланди. Халқ контроли органларининг аралашувидан кейин машина пули ундириб олинди. Бундай мисолларни Бўка, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ районларида ҳам учратиш мумкин. Узоқ муддат ревизия материаллари эътиборга олинмаган. Ёки бўлмаса келишувчиликка йўл қўйилган. Бу эса хато ва камчиликларни янада кўпайишига имкон берган.

Область ва қатор район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаларида колхоз ревизия комиссияси раиси ва аъзоларини танлашга етарли даражада диққат қилинмаяпти. Бу ишга бухгалтерия ҳисоб-китоблари, планлаштириш ва ревизия ўтказиш қоидаларини билмайдиган кишилар ҳам сайлаб қўйилади.

«Ташсадвинсовхоз» ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаларида ўтказилган текширувларда ҳам кўплаб камомад чиқмоқда.

Йиғилишда область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести бошқармаси раҳбарларига, уларга қарашли ташкилот ва хўжаликларга контроль-ревизия ишларининг даражасини ошириш, ревизия аппарати кадрларини тўғри танлаш, ревизия ҳулосаларини қатъий назорат қилиш топширилди. Бу ишда айбдор бўлган кишиларга нисбатан чоралар кўрилди.

ХАТГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Область халқ контроли комитетининг йиғилишида шаҳар ва район комитетларининг меҳнаткашлар хатлари ва шикоятлари билан ишлаш масаласи кўриб чиқилди. Кейинги йилларда меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни яхшилаш мақсадида халқ контроли органлари ишида изчиллик сезилмоқда. Область халқ контроли комитети йиғилишларида Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бекобод район халқ контроли комитетларининг бу соҳадаги ҳисоботлари эшитилди. Илғор тажрибалар оммалаштирилди, камчиликларни тугатиш йўллари кўрсатилди.

Ўтган йил область, район ва шаҳар халқ контроли комитетларига 753 та хат тушди, 1766 киши шахсий қабулга келди. Бу хатларда айрим кишиларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилаётганликлари, гражданларнинг уй-жой билан таъминлаш, савдо ва умумий овқатланишни ташкил этиш, коммунал-маиший ва транспорт хизматини яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, ўқув юртлари ва бошқа муассасалар ишидаги камчиликлар ва уларни яхшилаш тўғрисида таклифлар бор эди. Хатлар юзасидан кўпгина текширишлар ўтказилди. Уларнинг натижалари область, район ва шаҳар халқ контроли комитетларининг йиғилишларида кўриб чиқилди. Айниқса бу борада Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Оққўрғон ва бошқа бир қатор районларда эътиборли ишлар қилинмоқда.

Йиғилишда илғор тажрибаларни кенг ёйиш тавсия этилди. Шу билан бирга айрим камчиликлар ҳам тилга олинди. Баъзи халқ контроли комитетларида хатлар тўла қонли ўрганилмайди. Хат ва шикоятларни текширишда юзакочиликка йўл қўйишади, очилган камчиликларни тузатиш чоралари тезда кўрилмайди, айбдор кишилар жазоланмайди, шикоятлар асоссиз назорат қилинмайди, шикоятлар билан ишлаш маданияти паст. Халқ контроли комитетлари хат билан ишлашни янада изчил йўлга қўйиш тадбирларини ишлаб чиқишлари, бу йўлда кенг жамоатчиликни жалб этишлари, камчиликларни тугатиш йўлида тинимсиз курашишлари лозим.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМЛАРИ ОБЛАСТЬ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Халқ маорифи органлари, педагогик коллективлар ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларга берилаётган билимларнинг пухта ва мазмунли бўлишини таъминлашни ўзларининг жанговар бурчлари деб биладилар. Шунинг учун ҳам область халқ маорифи ходимлари ўзларининг актив йиғилишларига ана шу вазифаларни чуқур ҳис қилган ҳолда тўпландилар.

Йиғилишда ўқув йили якунлари ва таълим-тарбия соҳасидаги навбатдаги вазифалар ҳақида область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Шинд доклад қилди.

— КПСС XXV съезди совет мактаби олдига янги юксак талаблар қўйди, — дейди докладчи. — Айниқса, ўқитишнинг сифати ва самарадорлиги учун кураш олдимизда турган асосий вазифа бўлиб қолди.

Областимиз маориф ходимлари жонажон партиямизнинг қарорларини бажара бориб, партия органлари раҳбарлигида ўзларининг куч-гайратларини ўқитишнинг тарбиявий ролини оширишга, ҳар бир ўқувчига пухта билим беришга сарф этиб келмоқдалар.

Умумий ўрта таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида анча ишлар қилинди. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ошириш тадбирлари кўрилди. Кўплаб педагоглар малака ошириш институтларида бой тажриба орттирдилар. Бу эса ўқитиш сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Эндиликда тўлиқ ўзлаштириш бераётган билим ўчоқлари областимизда анчагина. Оққўрғон районида маориф ходимларининг бу борадаги ютуқлари кишини қувонтиради. Район мактабларида таълим-тарбиянинг самарадорлиги учун тинмай кураш олиб борилмоқда.

Бундай ижобий ҳолни Бекобод, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районлардаги қатор мактаблар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда мактабларнинг ўқув-моддий базалари янада мустаҳкамланди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи ўқув йилида жойларда кўплаб мактаб бинолари қурилди.

Эндиликда областимизда олти мингдан ортиқ ўқув кабинетлари мавжуд. Меҳнат таълимини намунали йўлга қўйиш учун устахоналар очилди. Ҳозир улар сони икки мингдан ошиб кетди.

Келгусида кабинет системаси кенг ривож топади. Бу йил ўқитишнинг ана шу энг қулай системасига тўла кўчирилади. Уларни жиҳозлаш учун етарли миқдорда кўргазмали ўқув қуроллари ва жиҳозлар сотиб олинади.

Мактабдан ташқари болалар муассасаларидан ўн тўрттаси қурилади. Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларига алоҳида эътибор берилади. Ҳозир 80 га яқин мактабда қишлоқ хўжалик машиналарини, 50 га яқин мактабда автомобилни бошқаришни ўрганиш йўлга қўйилган. Механизаторлик касбига ҳам эътибор кучайди.

Волгоград области ўқитувчилари яхши ташаббус билан чиқдилар. Улар «Ҳар бир дарсни аъло таңёргарлик, замонавий метод, юксак сифат билан ўтказамиз» деб, барча педагогик коллективларга мурожаат қабул қилдилар.

Барча совет кишилари қатори областимиз маориф ходимлари ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигига муносиб кутиб оладилар. Таълим-тарбияда самарадорлик учун кураш бизнинг доимий шиоримиз бўлиб қолади.

Актив йиғилишида сўзга чиққан ўртоқлар халқ маорифи ишини янада ривожлантириш масалалари устида тўхталдилар.

— Мактаб иши — умумхалқ иши, — дейди Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси **А. Исоқов.** — Билим ўчоқлари ўқув-моддий базаларини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан оталиқ ташкилотларига боғлиқдир. Бу масалага биз ҳам алоҳида аҳамият бераяпмиз. Колхозимиз территориясида жойлашган мактабларга ҳар томонлама оталиқ ёрдами кўрсатилмоқда. Улар учун ҳашаматли типовой бинолар қуриб берилди.

Оққўрғон район халқ маорифи бўлимининг мудири **М. Р. Сафаров,** Чирчиқ шаҳридаги 2-мактабнинг директори **Д. Э. Йўлдошев,** Бекобод район халқ маорифи бўлимининг мудири **Қ. Н. Абдувоҳидов,** Бўстонлиқ районидаги 2-мактабнинг ўқитувчиси **И. Я. Розенталь** ва бошқа ўртоқлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигига кўрилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари **Ж. Ш. Шарипова,** область комсомол комитетининг секретари **Л. Ф. Кочерга** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Актив йиғилишида область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қарата социалистик мажбурият қабул қилинди. Таълим-тарбия ишларини янада яхшилашга бағишланган тавсиянома ҳам маъқулланди.

А. АЛИЕВ.

БИР МЕЪЁРДА ИШЛАЙЛИК

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги каби саноатда ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Мусобақадошлар сафи муттасил кенгаймоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракати давомида қатор ташаббуслар пайдо бўлди. Республикамиздаги ўн тўрт илғор саноат ходими Улуғ Октябрнинг 60 йиллик буюк санасини уч ярим-тўрт йиллик нормани бажариш билан нишонлашдек ажойиб ташаббус бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу ажойиб ташаббус издошларини областимиздаги барча бирлашмалар ва комбинатлар, заводлар ва фабрикаларда учратиш мумкин. Улар социалистик мусобақанинг авангардида бораётган, ишчи деган шарафли номни доим оқлаб келаётган меҳнаткаш кишилардир.

Областимиз статистика бошқармаси хабар берганидек, саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича январь ойи учун белгиланган программа муваффақиятли бажарилди. Топшириқ 102 процент атрофида адо этилди. Пландагига қўшимча 8 миллион 300 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди.

Янгийўл, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари ва Калинин райони саноатчилари маҳсулотни реализация қилиш топшириғини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Янгийўлликлар бир ой давомида пландагидан ташқари 720 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Чирчиқ шаҳар саноатчиларининг бу соҳадаги кўрсаткичи 500 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Ангренликлар қўшимча реализация қилган маҳсулот миқдори 370 минг сўмлик, Калинин райони саноатчиларники эса 492 минг сўмлик бўлди.

Қатор саноат тармоқлари корхоналари коллективлари йил бошиданоқ бир меъёрда ишлаш, мавжуд резерв-лар ва имкониятларни ишга солиш, асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш, социалистик мусобақани муттасил такомиллаштириш ва ҳар томонлама авж олдириш туфайли ойлик ишлаб чиқариш планини анча эшёдаси билан адо этишга муваффақ бўлдилар.

Ангрен кўмир разрези коллективи бу йил ҳам пешқадамлик қилмоқда. Январь ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан реализация қилинган маҳсулот миқдори 7,1 процент ошди, пландагидан ташқари бир неча минг тонна ёқилғи қазиб чиқарилиб план 102,5 процент қилиб адо этилди. Чирчиқдаги трансформатор заводи, Оҳангарондаги пластмасса комбинати, Тошкент гўшт комбинати, Янгийўлдаги кондитер-ачитқи бирлашмаси, Келесдаги жунни қайта ишлаш фабрикаси, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эриядиган металлар комбинати ва бошқа корхоналар коллективлари ҳам янги йилнинг дастлабки ойини яхши якунладилар. Тошкент гўшт комбинати пландагидан ташқари 470 минг сўмлик, Келес жунни қайта ишлаш фабрикаси коллективи 207 минг сўмлик, трансформатор заводи 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпайтиришда ҳам энг юқори кўрсаткичларга эришилди.

Область маҳаллий саноат бошқармаси, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, пахта ва луб тайёрловчилари ҳам ойни яхши якунладилар. Планни бажариб, қўшимча 734 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

ОЙЛИК ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

Биринчи ой якунлари таҳлили ҳали саноатчиларимиз фаолиятида жуда кўп камчиликлар ҳам содир бўлганлигини кўрсатиб турибди. Бекобод шаҳри ва Оржоникидзе райони саноатчилари маҳсулотни ритмик ишлаб чиқариш ва реализация қилиш устида жиддий ишламаяптилар. Бекобод металлургия комбинати йилни яхши бошламади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ва моддий-техника таъминотидаги камчиликлар туфайли белгиланганга нисбатан юзларча минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Олмалиқдаги олтинчи, Чирчиқдаги тўққизинчи, Оржоникидзе районидаги иккинчи гишт заводлари бошқармалари ҳам маҳсулот реализация қилиш ойлик планини бажармади. Бунинг натижасида қурилишларга ўнларча минг дона гишт кам етказиб берилди.

Қатор муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ҳам ойлик топшириқлар бажарилмай қолди. Прокат, олтингугурт кислотаси, цемент, йирма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, пиво белгиланганига нисбатан кам ишлаб чиқарилди.

Қатор корхоналар коллективлари реализация бўйича планни тўла ва ошириб бажарганликлари ҳолда маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш топшириғини адо этмади. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш планини уддалай олмади. Бекобод цемент комбинати эса давлатдан 9 минг тонна цемент ва 2,5 миллион дона шартли асбоцемент шифери қарз бўлиб қолди. Оҳангарон цемент комбинати ҳам цемент ҳамда шифер ишлаб чиқариш бўйича планни бажармади. Қатор корхоналар халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш топшириғини тўла адо этмади.

Ўнлаб корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ойлик планни уддалай олмади. Кўп жойда маҳсулот таннархининг ошиб кетишига йўл қўйилди. Областимизда меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар бир ишловчи ҳисобига уни кўтариш планини бажармаган корхоналар сони ҳали ҳам кўп. Ангрендаги 9-шахта, Ўзбекистон металлургия заводи, Олмалиқ рўзғор химияси заводи, барча ғишт заводлари, луб саноати корхоналари ҳар бир ишловчи ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни анча камайтириб юборди.

Йилимизнинг иккинчи ойи охирлаётган ҳозирги вақтда январь ойи якунларини ҳар томонлама, синчиклаб таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликлар сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга эришиш учун барча тадбирларни кўриш лозим. Ҳар бир коллектив халқ хўжалиги олдидаги қарзини тўла узмоги зарур. Чунки, кенг тармоқли экономикамизнинг муваффақиятли ривожланиши, уларни юксалтириш бўйича белгиланган режаларнинг бекаму-кўст амалга оширилиши бевосита ҳар бир корхона фаолиятига боғлиқ. Агар завод ва фабрикалар, бирлашмалар ва комбинатлар ишчи-хизматчилари йил бошидан бир меъёрда ишлаб, давлат планлари ва зиммага олган мажбуриятларини бир маромда бажариб борсалар экономикамизнинг барча тармоқлари ҳам тўхтовсиз юксала беради.

Шундай экан, партия, совет ташкилотлари, хўжалик органлари қолоқларга ҳар томонлама ёрдам беришлари, барча коллективлар куч-гайрати ва ижодий изланишини зиммаларидаги вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этишлари, мусобақани муттасил такомиллаштириб боришлари, ҳамма коллективларнинг бир меъёрда ва самарали ишлашини таъминлашлари керак.

М. МИРҲАМИДОВ.

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

Партия ва ҳукуматимиз аҳолига социал таъминот хизмати кўрсатишни намунали ташкил этиш борасида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Буни Оққўрғон район социал таъминот бўлимининг фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда пенсионер ва кўп болали оналарга тўланадиган нафақалар ҳамиша ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ҳозиржавоблик ва ширинсуханлик билан иш кўраётган В. Портних, М. Алимова, Р. Очилов каби ходимлардан айниқса кўпчилик ҳурсанд.

Районда кейинги пайтларда уруш инвалидлари ва меҳнат ветеранларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Т. Жумақулов ва Х. Раҳимовларга яқинда «Жигули» енгил автомашинаси берилди. Шунингдек «Оққўрғон» совхозида яшовчи собиқ жангчи Қ. Шерматов ва шахсий пенсионер А. Субановлар ҳам автомашиналар билан таъминландилар.

Пенсионер ва ветеранларнинг ўз соғлиғини мустаҳкамлашлари учун имкониятлар яратиб берилмоқда.

Т. ЗОКИРОВ.



Тошкентдаги тажриба пил лакашлик фабрикасининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Нонла Иброҳимова смена топшириқларини ортиги билан адо этишга маҳсулот сифатини оширишга ҳам жиддий эътибор бе риб келмоқда. Суратда: Нонла Иброҳимова иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сиротки н фотоси.

БАЛИҚЧИЛАР АҲДИ

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан якунлаган Қуйи Чирчиқ райони балиқчилик хўжалиги коллективи КПСС Марказий Комитетининг Мактубидан руҳланиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан ўзаро меҳнат беллашувини қизғин авж олдираётир. Улар шу йил 7 ноябрь кунигача 56 минг центнер тирик балиқ ва 3900 центнер дудланган балиқ етиштириш мажбуриятини олдилар.

Хўжаликдаги барча бригада ва звеноларда ўртасида ўзаро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Неъмат Абдуллин бошлиқ звеносини ҳам орқада қолдирдилар. Голиб звено бу йил Улуғ Октябрь юбилейи шарафига балиқ етиштиришни 80 центнердан ошириш мажбуриятини олди.

Ў. МАҲКАМОВ.

БИНОКОРЛАР ҲИММАТИ

194-қурилиш-монтаж поезди «Средазтрансстрой» трестининг илғор бўлинмаларидан бири ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар коллективи зиммасига юклатилган вазифаларни шараф билан бажармоқда. Уларнинг ғайрат-шижоати, қадоқ қўллари билан қад кўтарган кўркам бинолар республикамиз пойтахти ва бошқа шаҳарларда кўплаб топилади. Қўли гул бунёдкорлар «Юбилей» спорт саройи, Тошкентдаги янги аэровокзалнинг муҳташам бинолари қурилишида фаол қатнашган.

Қурилиш-монтаж поезди бинокорлари ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам юксак марраларни кўзлаб ишламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан бениҳоя руҳланган қурувчилар шу улуғ айёмни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашни тобора авж олдирмоқдалар.

Қатор коллективлар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Коммунист М. Биков раҳбарлигидаги прораблик бинокорлари шундай илғорлардан. Улар куни кеча Сергелида кўп қаватли бир уйни фойдаланишга топширдилар. Унда Сергелидаги темир-бетон буюмлари заводининг ўнлаб ишчи оилалари ҳовли тўйлари ўтказдилар. Поезднинг А. Яцков раҳбарлигидаги прораблиги коллективи ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Улар республикамиздаги бир группа илғор қурувчиларнинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббусига қўшилиб, барча объектларни мудлатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилдилар.

Ю. АҲРОРОВ.

ЯНГИЛИККА ЯШИЛ ЙЎЛ

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси XIX съезди қарорларида белгилаб берилганидек, республикамиз пидлакорлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири самарадорлик ва сифат ёеш йиллигида пиллачиликдаги ҳамма жараёнларни комплекс механизациялашни кенгайтириш ва бу соҳани саноат асосига кўчиришдир.

Бу масъулиятли ва шарафли вазифани муваффақиятли ҳал этишда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги пиллачилик Бош бошқармасининг «Шелк» махсус конструкторлик бюроси ўзининг муносиб улушини қўшаётир. Бюро коллективи пиллачиликнинг барча тармоқларини автоматлаштириш ва механизациялаш воситалари конструкцияларини яратмоқда ва ҳозирча озроқ миқдорда тайёрламоқда. Бу янгиликнинг айримлари республика корхоналари ҳамда хўжаликларида жорий этилмоқда ва пиллакорларга жуда маъқул бўлмоқда.


Ҳозирги кунда конструкторлик бюроси ипак қурти боқишни кенг механизациялаштиришга тўсқинлик қилаётган актуал проблемалар устида иш олиб бормоқда. Ҳозир жами ипак қуртининг 90 процентга яқини асосан колхозчиларнинг уйларида, қўл кучи билан боқилаётир. Ҳар бир хонага ўртача 0,34 қути ипак қурти жойлаштирилмоқда. Энг йирик хонадонларга бўлиб юборилаётганлиги ҳозирда мавжуд бўлган механизация воситаларини қўлланишга имкон бермаётир. Натижада пиллакорларнинг меҳнати ҳамон енгиллашмай, иш унуми ва маҳсулдорлик паст бўлаётир. Бу ҳол пилланинг сифатига, таннархига ва умуман пиллачиликни рентабелли соҳага айлантиришга салбий таъсир кўрсатаётир.

Бундай камчиликларни бартараф этиш ва пилла етиштиришни концентрациялаш ва ихтисослаштиришни мақсадида конструкторлик бюросининг ипак қуртини боқиш бўлими 30 қути қурт уруғи марказлаштирилган усулда боқиладиган ихтисослаштирилган пиллачилик комплексини яратиш устида иш олиб бораётир. Комплексда махсус конструкторлик бюросида мавжуд бўлган барча механизмлар, ускуналар ва мосламалардан фойдаланиш кўзда тутилаётир. Пилла етиштиришнинг барча жараёнлари ана шу комплекснинг ўзида бажарилади: қурт уруғи инкубация қилинади, пилла қурти боқилади, йиғиб келинган озуқа шу ерда тайёрланади, қуртлар ўраган пилла териб олиниб, тозаланади ва тайёрлов пунктларига топширилади.

Ипак қуртининг биринчи, иккинчи ва учинчи, тўртинчи ёшларида боқиладиган марказлаштирилган қуртхона, озуқа базаси, яъни тут дарахти плантациялари, шунингдек озуқа тайёрлаш участкалари ҳам комплекс таркибига киритилади.

Комплекс 5 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Шундан 3 минг квадрат метрига қуртхоналар жойлашади озуқа учун экилган тут плантациялари беш гектар майдонни эгаллайди. Иш жараёнларининг мураккаб бўлишига қарамасдан комплексда фақат 30 киши ишлайди. Дастлабки хомаки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, 50 қути қурт уруғига мўлжалланган ихтисослаштирилган пиллачилик комплексида бир мавсумда 3500—4000 килограмм пилла олиш мумкин. Шунда ҳар бир қути ҳисобига етиштирилган пилла 70—80 килограммни ташкил этади. Меҳнат сарфи эса 2—2,5 баравар камаяди. Натижада республика бўйича ҳар йили пиллачиликда 50 миллион сўм маблағ тежаб қолинади. Ҳолбуки, битта комплекс қуриш учун 75—80 минг сарфланади, холос. Уларнинг ҳар бири 2,5—3 йил давомида ўзини оқлайди. Демак, пиллачиликни концентрациялаш ва ихтисослаштиришнинг асосий йўли ана шундай комплексларни қуриб ишга туширишдир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, пиллачиликни концентрациялаш ва ихтисослаштириш келгусида бу соҳани қишлоқ хўжалигининг юксак рентабелли тармоқларидан бирига айлантиришга ҳеч шубҳа йўқ.



В. СОДИҚОВ,
ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси ипак қурти боқиш бўлимининг мудири.

Суратда: ихтисослаштирилган пиллачилик комплексининг макети.

А. Раҳимов фотоси.



Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз паррандабоқари Ҳ. Калибетова ўтган йили 193 минг дона тухум топшириб давлат планини ортиғи билан бажарган. Бу йил Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 257 минг дона тухум топшириш мажбуриятини олди. Бу юксак мажбуриятни байрамгача бажариш учун курашмоқда.

И. Портнов фотоси.

СИФАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Февраль ойининг иккинчи куни эди. Ишчилар эрта билан корхонага киришар экан, кўрсаткич тахтадаги «Молния»га кўзлари тушди. Унда январь ойи социалистик мусобақасида ғолиб чиққан ишчиларнинг фамилиялари қайд этилган эди: Г. Мелибоева, З. Ғаффорова, Э. Калинникова, С. Разливанова, Н. Абибуллаева. Илғор ишчилар ойлик нормаларини 125-155 процент қилиб бажаришибди. Корхона бригадалари ўртасида эса биринчи мукофотга Л. Лешченко бошлиқ бригада ишчилари сазовор бўлишди. А. Волчкова билан Т. Ўримбетовалар бригадалари иккинчи ҳамда учинчи ўринни олишди.

Шу куни сменадан сўнг ғолибларга мукофотлар ва кўчма вимпеллар топширилди.

— Социалистик мусобақа ва моддий рағбатлантириш туфайли ойлик, квартал ҳамда йиллик планларни ошириб бажармоқдамиз, — дейди бирлашма касаба союз комитетининг раиси Раҳимжон Каримов, — «Ўнинчи беш йиллик зарбдори», «Социалистик мусобақа ғолиби», «Ўз касбининг устаси», «Коммунистик меҳнат сменаси», «Коммунистик меҳнат бригадаси», «Энг яхши мастер», «Энг яхши электрик» ва бошқа бир қатор кўчма вимпелларимизни олишга сазовор бўлган участка, бригада ҳамда ишчилар ҳар томонлама рағбатлантирилади. Ана шу тадбирлар илғорлар сафининг кенгайишига олиб келмоқда.

Янгийўл кондитер-ачитқи ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Корхонада ўттизга яқин ишчи шахсий беш йиллик планларини уч ярим йилда, элликка яқин ишчи эса тўрт йилда бажариш мажбуриятини олиб ишлаяпти.

Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 14 тури давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Бирлашма ишчилари ўтган йили план ва топшириқларини ҳар соҳада зиёдаси билан адо этишди. Йиллик топшириқ 25 декабрда бажарилиб, пландан ташқари 1 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ана шу ютуқлар эвазига мамлакат озиқ-овқат корхоналари мусобақасида ғолиб келиб, тўртинчи квартал кўрсаткичлари бўйича СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИНҚИЛОБИЙ ЭПОПЕЯ

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ижтимоий тараққиётнинг социалистик йўлига ўтганига бу йил 60 йил тўлади. Ана шу давр мобайнида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг иши зўр синовлардан ўтиб, халқаро ҳаётга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Мамлакатимиз бу даврда асрларга тенг ривожланиш йўлини босиб ўтди. «Биз,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев партиянинг тарихий XXV съездига қилган ҳисоботида,— янги жамият, инсоният тарихида шу дамгача мисли кўрилмаган жамият барпо қилдик. Бу жамият кризислар билмайдиган экономикаси муттасил ўсиб борадиган, етук социалистик муносабатларга, чинакам эркинликка эга бўлган жамиятдир. Бу жамият келажак, порлоқ коммунистик истиқболларга ишончи мустаҳкам жамиятдир. Унинг олдида яна ҳар томонлама тараққий этиш учун чексиз уфқлар очиқ». Чиндан ҳам мамлакатимизда коммунистик беш йилликнинг зўр муваффақият билан ҳал этилаётганлиги ҳамда халқаро жараёнда тез-тез содир бўлаётган муҳим сифат ўзгаришлари социалистик жамият тараққиёти олдида турган ана шундай чексиз уфқларнинг ҳаётдаги амалий кўриниши деса бўлади. Шонли олтмиш йилликнинг бош мазмуни совет турмуш тарзининг вужудга келганлиги билан, совет кишисининг туғилиши ва камол топиши билан ҳам белгиланади. Янги давр адабиётининг-социалистик реализм адабиётининг муҳим ижтимоий-сиёсий, бадиий-эстетик аҳамияти ҳам шундаки, у мана шу Улуғ Октябрь инқилоби келтирган ва парвариш этаётган коммунистик ғояларни чуқур ҳамда реалистик тарзда бадиий юксаклик билан ифодалаб, умумлаштириб бораётир. Хусусан, кейинги йилларда мазкур мавзуга янгича қараш, унинг манбаларини очиб бериш, тарихий аҳамияти ва ривожини конкрет ҳаётий ва маҳаллий шароит материаллари асосида умумлаштиришга эътибор ортиб бораётганлиги адабиётимизнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мана шу олтмиш йиллик тарихий кечмишнинг ҳозирги нурли чўққиларидан туриб, босиб ўтилган машаққатли, аммо шонли зафарлар йўлини бадиий умумлаштиришнинг аҳамияти шундаки, аввало революцион кечмишни чуқурроқ тушуниш ва тушунтириш орқали ҳозирги фаровон ҳаётимизнинг нақадар зўр қийинчиликлар билан бунёд бўлганлигини англаш имконияти туғилади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бирор бир совет ёзувчиси, жумладан ўзбек совет адабиётининг бирор бир вакили йўқки, у мана шу Улуғ Октябрь ҳақида, унинг ташкилотчиси Владимир Ильич Ленин ва доно коммунистик партия ҳақида, Она-Ватан ҳақида тўлиб тошиб, қалам тебратмаган бўлсин. Бу соҳада айниқса революционер шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний традицияларини Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла, Миртемир, Зулфия, Шароф Рашидов, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин ва яна ўнлаб талантлар томонидан ривожлантириб келинганлиги ва камолот сари кўтараётганликларининг ўзи шу фикрни тасдиқлайди. Айниқса, КПСС XX съездидан кейинги даврда яратилган Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров каби катта авлоднинг тарихий-инқилобий автобиографик қиссалари муҳим воқеа бўлди. Уларнинг ҳаммаси ҳам Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу бежиз эмас эди. Чунки уларда халқ тарихи, революцион кураш йўли ўзига хос тарзда ғоявий ўткир, бадиий юксак ифодаланган. Шунингдек, Ҳамид Ғуломнинг икки китобдан иборат «Машъал», Ойбекнинг «Улуғ йўл», Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм», Исоқ Содиқнинг «Фарғона зулмат қўйнида» трилогиялари, Ҳабиб Нўъмон ва Аҳмад Шораҳмедовларнинг «Ота» ва бошқа кўпгина романларда халқимизнинг ана шу инқилоб томон келишларидаги ва уни мустаҳкамлашдаги кураш йўли ўзининг эпик ифодасини топди.

Айтганимиздек, тарихий-революцион мавзудаги етакчи асарларда ўтмишга янгича қараш, яъни шахс ва халқ, халқ ва инқилоб ёки инсон ва жамият тушунчалари мустақил икки ифодани эмас, балки инсоният тараққиёти тарихидаги муҳим, яхлит тушунчани характерлашга хизмат этади. Бу жиҳатдан Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи эътиборга лойиқдир.

Мазкур роман ўзининг ғоявий-бадиий даражасига кўра ўзигача яратилган инқилобий асарлардан фарқланиб туради. Бу хусусан асардаги Онахон характерининг ўсиб боришида, кураши, яратувчилик фаолиятида, уй-фикрлари, психологиясида яққол кўзга ташланади. Санъаткорнинг хизмати шунда бўлдики, ўзбек тарихий-инқилобий романчилигида хотин-қизлардан бош ижобий қаҳрамон танлаб, уларнинг эпик образини яратишга муваффақ бўлди. Бунинг устига Онахон образи ривожида ўзбек ишчилар синфининг туғилиши ҳамда шаклланиши тарихи ўз ифодасини топди. Аммо Онахонга қадар ҳам 20—30 йиллар ўзбек романчилигида бир қанча ўзбек аёлларининг ижобий эпик образи яратилганлиги маълум. Кумуш ва Раъно, Норбуви ва Гулнор образлари шулар жумласидандир. Лекин улар ўз даври ва характерига кўра асарда турли оилавий, ҳаётий ва ижтимоий бурчни ўтайдилар. Онахон эса, ўз характери, асардаги мавқеи ва жамиятдаги ўрни жиҳатидан улардан ажралиб туради. У ўз эътибори билан янгилик яратувчи ва бу йўлда ҳормай-толмай кураш олиб борувчи, янги даврнинг янги кишиси. Чунки у ўз фаолияти, кураши, меҳнати ва ташкилотчилиги билан Найманча қишлоғидаги аёлларни озодликка, социалистик меҳнат майдонига тортади. Демак, ёзувчи Онахон мисолида ўзбек аёллари янги авлодининг туғилиб шаклланишини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу айниқса, романда тасвирланган синфий курашлар ва унинг ҳал этилишида Онахонга юклатилган ижтимоий юкнинг салмоғи билан боғлиқдир. Онахондаги маънавий гўзаллик, чин инсонийлик хислатлари шу синфий курашлар мисолида, улар билан бўлган кескин тўқнашувларда очила боради. Бу ҳол асарнинг ҳаётийлигини, реаллигини таъмин этади.

Ойбекнинг «Болалик», «Қутлуғ қон» ва «Улуғ йўл» асарлари шартли маънода трилогия бўлиб, у ўзбек адабиётида мазкур жанрнинг туғилишида ижобий роль ўйнади. Ёзувчи мазкур уч асари орқали ўзбек халқининг Октябрь инқилоби томон келишидаги мураккаб ва ўзига хос тарихий кураш йўлини жуда кенг эпик планда бадиий умумлаштириб берди. «Машъал», «Фарғона тонг отгунча», «Ота», «Хоразм», «Чироқ» романларида ҳам мана шу Ойбекка хос халқимизнинг тарихий кураш йўлини кенг эпик тасвирлаш тажрибасининг чуқурлашиб бораётганлигини кўриш мумкин. Тўғри, адабиётнинг, жумладан романчиликнинг тараққиёт даражаси фақат асарлар сонига ёки эпопея, диология, трилогия жанрларининг мавжудлиги ёки йўқлигига қарабгина белгиланмайди. Асосий мезон, уларнинг ғоявий чуқурлиги, бадиий юксаклиги билан ўлчанади. Мазкур типдаги асарларга ана шу талаблар нуқтаи назаридан ёндошсак, уларда бу соҳада бир мунча янгилик ва муваффақиятлар кўзга ташланади. «Машъал», «Фарғона тонг отгунча» каби романларда Улуғ Октябрь инқилоби томон интилган маҳаллий халқ ҳаракатининг тарихий илдизлари, манбалари ҳам очиб берилади. Октябрь инқилобининг ғалабасида ўзбек ишчи-деҳқонлари ва интеллигенциясининг роли, ўрни конкрет образлар ва тарихий-маҳаллий материаллар, ҳужжатлар асосида бадиий умумлаштирилади. Тарихий-революцион мавзудаги барча романларда Ўзбекистондаги революцион ҳаракат ва унинг ғалабаси Россияда ғалаба қилган инқилобий ҳаракатнинг узвий қисмидан иборат деб тушунилади. Бу, айниқса, асардаги бош ижобий қаҳрамонлар характерида ўзининг яхлитлигини топади. Айни чоғда ана шу ижобий кучларнинг салбий кучлар билан тўқнашуви орқали катта ижтимоий-сиёсий ва ҳаётий конфликтларнинг бадиий конфликтга кўчишини кўриш мумкин бўлади. Мазкур мавзудаги романларнинг жозиба кучи шундаки, уларда тасвир этилган давр, тарихий воқеалар ва кишилар тақдирининг ўзи кучли драматизмга эга эди. Аммо ана шу ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга кўтаришда ҳар бир ёзувчи ўз маҳорати, тажрибаси, дунёқараш доираси ва ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Бу ҳол романларнинг савияси даражасига ҳам таъсир этмай қолмаган. Агар Ҳамид Ғулом ва Мирзакалон Исмоилий ўз романларида қўйилган ғояни бадиий жиҳатдан яхши ҳал этган бўлсалар, «Хоразм» ва «Ота» романларида ҳали авторлар кўпинча ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқат даражасига кўтариб улгурмаганлиги сезилади. Буни «Хоразм» асарида ёзувчи тасвиридаги хронологик услубнинг устунлик қилишида ҳам кўрса бўлади. Лекин айтилганлардан мазкур асарларнинг адабиётимизда, романчилигимиз тараққиётида мавқеи ва аҳамияти кам деган хулоса асло келиб чиқмайди. Адабий танқидчилик ўз вақтида тўғри қайд этганидек, мазкур романларнинг ҳам ўз қиммати, ўз ўрни, ўзига хос янги томонлари борки, бу ҳам уларнинг ўзбек тарихий-инқилобий адабиётининг ривожланишига хизмат этаётганлигини кўрсатади. Умуман, мазкур романларнинг географик доираси ва моҳияти қай даражада бўлмасин, уларда халқимизнинг Октябрь революцияси томон келиши ва ғалабани мустаҳкамлаш учун олиб борган кураши ҳақида гап боради. Бу типдаги асарларнинг айримларида зиёли кишилар образи орқали революцион ҳаракат ва онгнинг уйғониши ифода этилса, айримларида маҳаллий коммунист-революционер лар характери чизилади. Баъзиларида асрлар давомида тутқун, мазлума, заифа деб қаралиб келинган аёл характери асар сюжетини ҳаракатга келтиради. Кўринадики, бир томондан, мана шу барча тарихий-революцион жанрдаги романларда ягона-революция ва халқ проблемаси қўйилиб, турлича ҳаётий материал асосида ҳал этилса, иккинчи томондан, ана шу проблемани ҳал этишда ёзувчилар турли йўлдан бораётганликлари маълум бўлади. Сабаби, биринчидан, Октябрь инқилобидан олдинги ўзбек интеллигенцияси ҳақида гап борганда, кўпинча миллий буржуазия ва жадидларнигина кўз олдига келтирилар эди. Бунинг устига ўзбек миллий интеллигенциясининг хусусан бу даврдаги йўли жуда мураккаб эди. Лекин уларнинг кўпчилиги ўзига хос қийинчиликлар, алданишлар билан бўлсада, пировардида аниқ ва тўғри йўлга ўтганликлари характерли эди. Шу билан бирга ўзбек халқининг асл интеллигенцияси Октябрь инқилобидан олдиноқ, марксча-ленинча ғоялардан озиқланиб, дунёни ўзгартишнинг бирдан-бир йўли революцион кураш эканлигини тушуниб етган. Аммо ана шу масала эпик планда деярли адабиётимизда ёритилмаган эди. Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романидаги Ғуломжон, Ойбекнинг «Улуғ йўл»идаги Умарали образларининг яратилиши бу соҳадаги «қўриқни» ўзлаштириш томон қўйилган катта қадам бўлди. Шу билан бирга Умарали ва Ғуломжон характери воситасида шахснинг тарихдаги роли, шахснинг жамият ва халқ оммаси билан алоқаси ҳаётий эканлиги ҳақидаги марксистик ғояни чуқурроқ тушунишга имкон туғилади.

Мазкур мавзуни ишлашдаги иккинчи бир характерли йўналиш шундан иборатки, инқилобни туғдиришда катта роль ўйнаган рус коммунистлари қатори, маҳаллий коммунистлар образининг яратилишидир. Агар «Фарғона тонг отгунча» асарининг биринчи китобида Ғуломжон ўзбек зиёлисининг илғор вакили сифатида кўрсатилса, иккинчи китобида энди у коммунист сифатида ҳаракат қилади, коммунист-революционер образига айланади. Халқ оммасини революция томон бошлаб боради. «Улуғ йўл» ва «Ота»да ҳам бир қанча коммунистлар образи яратилган. Бу ҳам инқилоб арафасидаги халқ онги, характеридаги ўсишни чуқурроқ кўришга имкон беради. Хусусан «Машъал»даги Ботирали образи мисолида инқилоб учун жон фидо этган том маънодаги коммунист характерининг шаклланишини кўрамиз. У чин инсон, шу билан бирга янги давр бунёдкори, оташин инқилобчидир. Қисқаси, коммунистнинг эпик образини яратиш орқали ёзувчиларимиз Туркистонда Октябрь инқилобининг ғалаба қилишида муҳим роль ўйнаган манбаларни, инқилобий ҳаракат илдизларини чуқурроқ очишга интилаётирлар.

Октябрь революцияси даври ўзбек аёллари образининг яратилиши ҳам мазкур давр тарихий-революцион романларининг муҳим хусусияти деса бўлади. Ёзувчиларимиз «Улуғ йўл»даги Зумрад ва Унсин, «Машъал»даги Лаъли ва Эъзозхон, «Опа-сингиллар»даги Онахон, «Хоразм» асаридаги Жумагул, «Эрк қуши»даги Майна Ҳасанова сингари ўзбек аёлларининг революцион эпик образларини яратиш орқали ҳам ўзбек аёлларининг Октябрь инқилоби томон келишидаги мураккаб тарихий йўли ва иштирокини умумлаштириб бердилар. Шунинг учун ҳам Онахон, Унсин, Эъзозхон, Майна каби қатор аёллар образи муҳим ижтимоий-сиёсий, бадиий-эстетик ва катта таълим-тарбиявий роль ўйнайди.

Қисқаси, яратилган ва яратилаётган ўзбек тарихий-инқилобий прозасида инқилоб ва халқ проблемаси асосан ишчи ва деҳқон, зиёли ва аёл ҳамда, коммунистлар характерини яратиш воситасида ҳал этилмоқда. Шу орқали уларнинг ҳар бирини инқилобий ҳаракатдаги ўрни ва ролини умумлаштириш мақсади амалга оширилади. Худди шу асосда инқилобни «экспорт» қилинганлиги ҳақидаги бўҳтонларга ҳам кескин зарба берилиб, ўлкамизда Октябрь инқилобининг ғалабаси тарихий бир зарурият эди, деган тўғри хулоса чиқарилади. Шунингдек, ўзбек инқилобий эпопеяси адабиётимизни янги мавзу, янги жанр тури, янги услуб, янги қаҳрамонлар билан бойитишдан ташқари, айниқса ёшларни революцион руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Революционер оталар ва оналар жасорати анъаналарига содиқ қолишга, фаровон ва бахтли ҳаётимизни ҳар қандай ёвуз кўзлардан асрашга даъват этади. Жаҳон тинчлик ишининг ғалаба қилишига, инсониятнинг нурли келажагига ишончни мустаҳкамлайди.

Ўзбек тарихий-инқилобий эпопеясининг таълим-тарбиявий, сиёсий-ижтимоий, эстетик қиммати ҳам шундадир.

Собир МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори.

ҲАМ КЎРГАЗМА, ҲАМ ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси бутун маҳсулотнинг тўртдан бир қисмига давлат Сифат белгиси қўйиб чиқармоқда. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонида 15 февраль куни очилган бирлашма корхоналарида янги техника, прогрессив технология ва илғор тажриба тематик виставкасида кўпгина буюмлар намойиш қилинмоқда. Бутуниттифоқ релесозлик илмий-тадқиқот институти Тошкент бўлимининг ишлаб чиқаришга жорий этилаётган маҳсулот намуналари экспозицияни тўлдиради.

Бирлашманинг етакчи мутахассислари кўргазма очилган куни илғор тажриба мактабида машғулот ўтказдилар. Улар «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг маҳсулотидан фойдаланадиган ташкилотлар ва корхоналарнинг намояндаларига илғор технологияни жорий этиш, янги техникани ўзлаштириш, бирлашманинг заводларидаги ишларни механизациялаш истиқболлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ишларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилди. (ЎзТАГ).

Дунё овози
чет эл хабарлари

ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

АДАН. (ТАСС). «Арбааташар октобр» газетаси бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётидаги шонли сана — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Улуғ Октябрь социалистик революцияси янги даврга — социализм қуриш даврига асос қўйди. Совет халқи 60 йил ичида КПСС раҳбарлигида иқтисодий ва сиёсий соҳаларда жуда катта муваффақиятларга эришди ва қолоқ чор Россиясини ер юзида энг илғор давлатга айлантирди».

Ленинча интернационализм принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди газета, прогрессив тараққиёт йўлига ўтган мамлакатларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Совет Иттифоқи билан демократик Яман ўртасидаги муносабатлар бундай ёрдам ва маданиятнинг ёрқин намунасидир. Бу муносабатлар иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар билан мустаҳкамланди.

Бизнинг халқимиз, деб уқтириб ўтади газета, коммунизм қураётган совет халқининг муваффақиятларини зўр иштиёқ ва эътибор билан кузатиб турибди. Совет халқи, Совет Иттифоқида яшовчи кўп миллионли аҳолининг эҳтиёжларини қондира оладиган қудратли экономикани қисқа вақт ичида вужудга келтира олди.

НЕПАЛ — ТУРИЗМ МАМЛАКАТИ

КАТМАНДУ, 21 февраль. (ТАСС). Непалда чет эл туризми муваффақиятли ривожланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатга юз мингдан ортиқ, яъни 1975 йилдагига нисбатан салкам 15 минг кўп чет эллик меҳмон келиб кетди.

Ҳиндиларнинг ноёб ибодатхоналари, қадимий обидаларни мириқиб кўздан кечириш, баланд тоғ тепасидаги ана шу ғаройиб мамлакатда яшовчи халқнинг турмуши ва урф-одатлари билан танишиш учун ер куррасининг ҳамма жойларидан бу ерга одамлар келиб туришибди. Мусаффо тоғ ҳавоси, гўзал водийлар ва тоғ довонлари шуларнинг ҳаммаси энг юксак дидли кишини ҳам мамнун эта олади. Непал альпинистларга айниқса манзур. Кўпгина туристлар дунёдаги энг баланд чўққи бўлган Эверестни забт этишни орзу қиладилар.

Туристлар кўпайиши билан давлатнинг даромадлари ҳам ортди. 1975 йилда туризм давлат хазинасига юз миллион рупияга яқин маблағ берган бўлса, 1976 йилда бу рақам икки ҳисса ортди. Ажнабий туристларни жалб этиш мақсадида Непал пойтахтида ва мамлакатнинг янги шаҳарларида янги меҳмонхоналар барпо этилмоқда, янги йўллар қуриш ва эскиларни ремонт қилиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Кўҳна ёдгорликлар таъмирланмоқда.

В. МАНВЕЛОВ.

ХАЛҚ МУҚАРРАР ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ

ЛУСАКА. (ТАСС). Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти, деди шу ташкилотнинг президенти Сэм Нуйома, Намибия территориясининг талайгина қисмини назорат қилиб турибди. Президент Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Намибия учун ташкил этилган институти студентлари ва ўқитувчилари ҳузурида сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтди: Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилотининг қуролли отрядлари яқинда мамлакатнинг марказий районларига кириб бордилар. Улар Гротфонтейн, Отави, Оучо, Омаруру, Очиваронгодаги ва ҳатто Намибиянинг пойтахти Виндхукдаги ҳарбий базаларга ҳужум қилдилар. Ана шу ҳужум вақтида ирқчиларнинг қўшинлари анча талафот кўрди.

Ватанпарварларнинг муваффақиятларидан қути учган ирқчилар, деди Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилотининг президенти, ўзлари қонунга хилоф суратда босиб олган Намибияни ҳарбий лагерга айлантирмоқдалар. Намибияда Жанубий Африка солдатлари 50 минг кишидан ошиб кетди. Бу солдатларнинг қарийб учдан бир қисми Анголада тор-мор келтирилган УНИТА ва ФНЛА шайкалари составида жанг қилган сотқинлардан иборат. Жанубий Африка Республикаси, деди президент, Жанубий-Ғарбий Африка халқ ташкилотини йўқ қилиб юбориш мақсадида империализм кучлари билан махфий тил бириктирди. Аммо ватанпарварлар қўлга киритган муваффақиятлар Намибия халқи муқаррар ғалаба қозонажагини исбот этади.

ЁЛЛОВЧИЛАР ФОШ БЎЛДИ

ЛИССАБОН, 21 февраль. (ТАСС). Кейинги бир неча ой давомида Португалия пойтахти Родезияда миллий-озодлик кучларининг отрядларига қарши уруш ҳаракатларида қатнашадиган оқ танли аскарларни ёллайдиган марказларнинг бири бўлиб қолган эди. «Капитал» газетасининг ҳабар беришича, родезиялик ирқчиларнинг агентлари Лиссабонда Африкадаги собиқ мустамлакалардан бўшаб қайтиб келган солдат ва офицерларни бемалол ёллаганлар ва уларни Зимбабве ватанпарварлари партизанлик отрядларига қарши курашиш учун Родезияга юбориб турганлар.

Ёлланма аскарларнинг ҳаммаси «ўз ишининг мутахассислари бўлганлар», чунки улар Гвинея-Бисау, Ангола, Мозамбикда Португалия мустамлакачи қўшинлари составида бўлганларида партизанларга қарши курашиш соҳасида «катта тажриба» орттирган кишилар эди.

Ёлловчилар деярли ошкора иш кўриб, Португалиянинг Африкадаги собиқ мустамлакаларидан кўчириб келтирилганларга ёрдам бериш институти деб аталган Португалия давлат муассасаси биноларидан ва молиявий фондларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланганлар.

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАНЛАР

ЖЕНЕВА. (ТАСС). Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) ўтказган ва бу ерда эълон қилинган тадқиқот ҳақида бундай дейилади: ўтган йили капитализм дунёсининг етакчи мамлакатларида ишсизлар сони 40-йиллар арафасида рўйхатга олинган энг юксак кўрсаткичларга етди ёки бу кўрсаткичлардан ҳам ошиб кетди.

ХМТ келтирган маълумотларга қараганда, Францияда 1976 йилнинг охирига бориб, ишсиз қолган кишилар сони 1940 йил октябридаги энг баланд даражага кўтарилган. Англияда 1939 йилдан буён бу соҳада ўзгармай келган «Рекорд» янгиланди: ишсизлар бир миллион кишидан ошди. Ирландия тарихида ишсизлар ҳозир шу қадар кўпайиб кетдики, бундай аҳвол 1940 йилдан буён рўй бермаган эди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳужжатида таъкидлаб ўтилишича аввало ёшлар ва хотин-қизлар ишсизликка дучор бўлмоқдалар. АҚШ, Канада, ГФР, Швецияда 25 ёшдаги йигит-қизлар барча ишсизларнинг учдан бир қисмидан кўпроқни ташкил этади. Австрия, Бельгияда меҳнат биржаларида навбат кутиб турган кишиларнинг ярми хотин-қизлардан иборат.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тадқиқотларида чиқарилган хулосалар капиталистик жамият инсоннинг энг муҳим ҳуқуқи — меҳнат қилиш ҳуқуқига риоя қилинишини таъминлашдан ожиз эканлигини яққол исбот этади.

МОРТИМЕР-СТРИТДА НАВБАТ КУТИБ

ЛОНДОН, 21 февраль. (ТАСС мухбири). Лондоннинг Мортимер-Стрит кўчасидаги ана шу кўримсиз хира кулранг иморат ёнида навбат кутувчилар кечаю-кундуз тарқалишмайди. Ҳўрланганлиги чеҳраларидан кўриниб турган одамлар февралнинг изғирин шамолига чидолмай қўшни магазинлардан чиқариб ташланган катта-катта картон қутилар ичидан паноҳ қидирадилар. Бу одамлар — ишсизлар бўлиб, улар кечаю-кундуз умид кўзини тикиб турган иморат-меҳнат биржасидир. Жуда оз кишиларнингина баъзан омади келиб қолади, шунда ҳам уларни бахтли дейиш амри маҳол. Чунки меҳнат биржасида бирдан-бир таклиф қилинадиган нарса арзимас ҳақ тўланадиган вақтинчалик иш бўлади.

Ҳар ҳолда шу ҳам, номига бўлсада, иш-ку ахир. Расмий маълумотларга қараганда, Британия оролларидаги бир ярим миллионга яқин киши ана шунақа ишни ҳам тополмай сарсон бўлиб юрибди.

Ҳукумат маъмурлари ишсизлик ҳақиқатан ҳам ҳалокатли тус олганлигини эътироф қилсалар-да, аммо бирон-бир тузукроқ чора кўришдан бош тортмоқдалар. Ҳамон «социал битим» деб аталган нарсага, яъни Британи тред-юнионлари конгресси раҳбарлари билан пулнинг қадрсизланишига ва ишсизликка қарши курашишни рўкач қилиб, меҳнаткашларнинг иш ҳақини анча қисқартиришни кўзда тутадиган битимга умид боғланмоқда.



БОЛГАРИЯ республикасининг йирик саноат ва маданий маркази бўлган Бургас шаҳрида кўплаб турар-жой бинолари қурилмоқда. Суратда: шаҳарнинг янги райони.

София пресс — ТАСС фотоси.

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Мўл, арзон ва сифатли маҳсулот етиштириш юзасидан қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида ўтказилаётган мусобақага биз мунтазам якун ясаб бораяпмиз. Ўтган йили ҳар соҳа баракали бўлди. Биринчи бўлиб пиллакорлар юксак маррани забт этишди. Мусобақа шартларини шараф билан бажарган Бўка райони биринчи ўринни эгаллаб, барчани қойил қолдирди. Хўжаликлар ўртасида ўтказилган мусобақада эса шу райондаги «Ленинобод» колхози ғолиб деб топилди ва унга Қизил байроқ ҳамда телевизор тақдим этилди.

Мусобақада қатнашган бошқа хўжаликлар ҳам иш якунларига яраша муносиб тақдирландилар. Совхозлар орасида Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози маррага биринчи бўлиб етиб келиб, Қизил байроқ, телевизор ҳамда пул мукофотини қўлга киритди. Совхоз мутахассислари ойлик маошларининг 30—50 процентини миқдорида устама ҳақ олдилар. Бригадирлар, звено бошлиқларига ҳам шу миқдорда пул мукофоти берилди. Ишлаб чиқариш илғорлари, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларни рағбатлантириш учун чет элларга саёҳат қилиш учун 35 та имтиёзли йўлланма тақдим этилди. Пиллакорларнинг катта бир группаси мамлакатимиз бўйлаб сафар қилдилар.

Ҳар йили гўза парвариши қизғин бошланган кезларда биз сувчилар мусобақасини ўтказамиз. Ўтган йили бу мусобақада қарийб барча хўжаликларнинг сувчилари иштирок этдилар. Мусобақа якунларига биноан областимизнинг энг яхши 100 сувчиси Болтиқ денгизи бўйидаги шаҳарларга саёҳат қилдилар. Бир қатор сувчилар эса Чортоқ санаторийсида, «Оққўрғон» физиотерапик шифохонасида имтиёзли йўлланма билан даволандилар.

Ҳосилни кечиктирмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш бўйича ўтказиладиган мусобақамиз одатда қизғин тус олади. Мусобақага ҳар 10 кунда якун ясаб борамиз. Ўтган мавсумда мусобақа ғолиблари бўлган пахтакорлар, механик-ҳайдовчилар бригадирлар, мутахассислар «Ўзбекистон» поездида Совет Иттифоқи бўйлаб ҳамда чет элларга саёҳат қилдилар. Ғолиб хўжаликларга 8300 сўмлик турли хил маданий моллардан совғалар тақдим этилди.

Ҳозирги пайтда биз область колхозлар қурилиш трести билан ҳамкорликда сутчилик комплекслари қурилиши бўйича ўтказилган мусобақага якун ясамоқдамиз. Илғор қурилиш коллективлари учун 3 та мукофотли ўрин таъсис этилган. Биринчи ўринни эгаллаган коллектив Қизил байроқ, телевизор ва 1500 сўм миқдорида пул мукофотини қўлга киритади.

Мусобақанинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётганлиги яхши самара келтираяпти. Мусобақанинг ошкоралиги эса катта тарбиявий аҳамият касб этаяпти. Эндиликда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақани янада ривожлантириш тадбирларини кўрмоқдамиз. Мусобақа давомида янги-янги ташаббуслар туғилмоқда, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Т. РАЖАБОВ,
область қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ишчи-хизматчилари касаба союз комитетининг раиси.



ОБЛАСТИМИЗ — КЎРГАЗМАДА

СССР Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги «Техника экинлари» павильони бўлимида Тошкент областидаги қатор қишлоқ хўжалик коллективларининг илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган бир қанча стендлар бор.

Стендларнинг айримлари иссиқ иқлим шароитларида канопдан мўл ҳосил олиш тажрибасини оммалаштиришга бағишланган бўлиб, унда Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь», Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз лубкорларининг бу муҳим техника экинидан мўл ҳосил етиштиришда эришаётган ютуқлари тараннум этилган.

Кўргазмада қайд қилинишича, «Ленинский путь» колхози сўнгги икки йил ичида «Ўзбекистон-1574» янги каноп навидан гектар бошига ўрта ҳисобда 180 центнердан ҳосил олган. Шунинг ҳисобига хўжалик биргина ўтган йили 2107 минг сўм соф даромад кўрди. Хўжаликда ҳар бир центнер канопнинг таннархи саккиз сўмни ташкил этди. Рентабеллилик даражаси эса 113 процент бўлди.

Димитров номли колхоз ҳам каноп етиштириш агротехникасини муттасил яхшилаб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу хўжалик аъзолари шу техника экинидан доим юқори ҳосил олмоқдалар. Сўнгги икки йил ичида 762 гектар майдоннинг ҳар гектаридан деярли 200 центнердан каноп пояси олинди. Ўтган йили экиннинг ана шу туридан кўрилган соф даромад 1740 минг сўмни ташкил этди, рентабеллилик даражаси эса 55 процент бўлди.

«Техника экинлари» павильони стендларидан бири каноп етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришаётган илғор бригадалар фаолиятига бағишланган. Уларда «Ленинский путь» колхозидан С. Пак, А. Ким бошчилик қилаётган бригадаларнинг илғор иш усуллари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

М. ЛАРОКИН.



Бурятия автоном республикасининг Северобайкалск посёлкасида «Орбита-2» телевизион станцияси барпо этилди. Станция ёрдамида Москва телевизион программалари автоном республиканинг кўплаб узоқ участкаларига узатилади. Суратларда станция антеннаси ва созловчи Анатолий Першукевич аппаратураларни кўздан кечирмоқда.

В. Матвиевский фотоси.

●

Ленинград. Олег Виноградов раҳбарлигида саҳналаштирилган ҳар бир янги балет жозибалилиги, ўзига хослиги билан томошабинлар эътиборини ўзига тортади. Суратда: янги спектакль муҳокама қилинмоқда.

Р. Кучеров фотоси.

●

Москвадаги «Красная заря» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари 1977 йилда 1 миллион 300 минг сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш, йил давомида 28 тонна қимматбаҳо хомашё иқтисод қилишга қарор қилдилар. Буларга янги қурилмаларни ишга тушириш ва янги технологияни жорий қилиш ҳисобига эришилади. Суратда: бирлашманинг моҳир чеварлари Л. Журавлёва, Т. Морозова ва Н. Мадбаева тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

В. Кунов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

МАОРИФЧИЛАР АНЖУМАНИ


Яқинда Бекобод райони халқ маорифи ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ маорифи министри С. Шермуҳамедов ёш авлодга таълим беришда педагогларнинг юксак шарафли бурчлари ҳақида гапириб, район халқ маорифи коллективига 1976—1977 ўқув йилига кўрилган тайёргарликда эришган ютуқлари учун республика маориф министрлигининг кўчма Қизил байроғини топширди. Ноднра номли кинотеатрда бўлиб ўтган бу йиғилишда сўзга чиққан «КПСС XXV съезди» совхози директори А. Қозоқбоев, «Қиёт» қишлоқ Совети раиси А. Мирзақулов, Ленин номли колхоз раиси Ҳ. Ҳамроқулов, район комсомол комитетининг секретари З. Тожибоев ўртоқлар мактабларда таълим-тарбия ишларини янада юксак савияга кўтариш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда В. Султонов, В. Алеферова, А. Қодиров, А. Маматмуродов, З. Маҳсумов, З. Қориев, О. Қодиров ва бошқа ўртоқларга «Халқ маорифи аълочиси» нишони топширилди.

Ф. ҲОЛИҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбирлар пости аъзоси.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ЯНГИ ПРОГРАММА

«ГРУЗИЯ ЦИРКИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ГРУЗИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ, АЛЕКСАНДР МЧЕДЛИШВИЛИ.

АДЖАРИЯ АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

ЛЮДМИЛА ЛАЛАШВИЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист ГАМЛЕТ НАТРАШВИЛИ ва комик-пародист БЕСИК КАЛАМАШВИЛИЛАР доимо манежда.

Коллективнинг бадиий раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «Ўзбекистон йигитлари» коллективи иштирок этади.

Томошалар ҳар куни 19.30 да, шанба кунлари — 15.00, 19.30 да, якшанба кунлари — 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАНДИ.

Касса 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91; 44-39-84.

ЧИННИГУЛ

Жала қуярди. Автобусдан туш-а, ўзимни бекат рўпарасидаги универмагга олдим. Бир чақиримча юрсам уймага етаман, аммо нам сувқ-сувғимдан ўтиб кетади. Буниси майли-я, шимимнинг сербар почасига балчиқ сачраши чатоқ-да. Сўққабош бўлсам, ҳадеб менга ким ювиб бераверади! Ёмғир тинсин, уйда хавотир олаётганим бормиди!

Эринибгина биринчи қаватда саланғландим, сўнг иккинчи қаватга кўтарилдим. Назаримда бирдан зулмат ёришиб кетгандек бўлди. Уша, ҳа, ўша! Тасвирий санъат ишқибозлари билан учрашувимда кўргазма залидаги асарларим юзасидан уялибгина савол берган қиз. Уша қиз, ўша дўндиқ!

Атр-упа бўлимида қўли қўлига тегмай савдо қиларди у. Еноқлари ёнарди. Тикилиб қолдим, денгиз ажойибхоналарини биринчи бор телевизорда кўраётган ёш боладек узоқ тикилиб қолдим. У мени таниса-да, нимагадир танимасликка олар, гоҳ-гоҳ, сизга нима керак, дегандек ялт этиб қараб қўярди. Шу пайт курка кўлтиқлаган, тўлагина бир аёл менга беихтиёр туртиниб кетди. Пештахта қирраси ковирғамни синдираёзди:

— Кўзингиз борми ўзи?!

— Сизда ҳам кўз бор, укам, — деди-да, пишиллаганича бепарво кетаверди у. На илож, айб ўзимда, оғзимга бирни урдим, мум тишладим. Ҳижолатдан қовоғимга тош осилди, киприкларим пирпираган ҳолда сотувчи қизга ер тагидан кўз ташладим. Харидорлар чунонам шоширяптики... Секингина ғум бўлдим.

Эртасига ҳаво аскиячилар чеҳрасидек очилиб кетди. Яна унинг ҳузурида пайдо бўлдим, меҳрим етаклаб келди, яширин меҳрим! Уни ошкор этгали, қаранг, бугун ҳам тилим танглайимга ёпишиб қолгандек. Ҳарорати баланд киши сингари бўртиб гоҳ уён, гоҳ буён юра бошладим. Сотувчи қиз эса зимдан мийиғида кулиб қўяр, кўзим кўзига қадалган дақиқаларда, аравангни торт, дегандек ўсмали қошларини чимирарди.

Ҳалим чувалди: дардимни гулласам, мойил бўлса иш беш-а, бир чимдим қалампир пуркаб, пишт, деса-чи? Унда бир замбилу икки ҳаммол керак бўлади. Йигитнинг сўзи сингунча бўйни узилсин, деганлар. Эҳ, нима қилдим-а?! Ноумид шайтон, бор-е, бу бўлмаса бошқаси-да, десам, бағрим тўкилиб кетадиган. Кел, таваккал, четга имлайману қулоғига шивирлайман. Ё коинот сафаридан сўнг Ерга кўнган фазогирдек яшнаб кетаман ё бошимдан бир челак яхоб қуйилади. Иситмами ё ҳаяжон, билмадим, бетимда тер бодраб кетди. Мақсадга кўчишга жазм этдим. Аммо ич-ичимдан танамга шу зум таралган аллақандай титроқ мени ортга тисарди. Ташқарига қандай чиққанимни билмайман. Бир маҳал қарасам, уймида, ижодхонамда ўтирибман. Қия очиқ дераза ёнида у ним жингала, қўнғир сочларини шоша-пиша турмаклаётгандек; ҳозир чой дамлаяпман, овқат ҳам пишиб қолди, узумдан еб туринг.., дея вазадаги хусайнига имо қилаётгандек. Кўзимни чирт юмдим, ўша манзара. Очдим, яна ўша манзара. Бу ҳаёлий манзара қани энди ҳақиқатга айланса, оҳ, қани! Шалвираган руҳим бирдан чинни каптардек қанот қоқди, ўрнимдан сачраб турдим, қўлимга мўйқалам олдиму нуқра қоғозга унинг ҳаёлим кўзгусидаги жилвагар аксини тушира бошладим. Тонгга яқин қаршимда тонгдек сиймо намоён бўлди.

Ундан кутиб туришини илтимос қилиб, ўзимни ичкарига урдим. У-ўй! Саф-саф арчалару кўмкўк шамшодлар, шоҳлари ларзон эманлару мағрур кўкчой ингувчилик вақт ўтмаёқ олдимга келди. Кўришиб бўлгач, сув таралган эгатларни бошдан-оёқ бир сидра кўздан кечирди-да, менга юзланди:

— Эшитаман?

— Деганингизни олинг, ака, ана шу чиннигулингиздан беш-олтитагина берсангиз. Илтимос!

— Шарти бор, — деди у жиддий оҳангда салмоқланиб.

— Қандай шарт?!

— Шарт шуки, пул узатганга гул берилмайди.

— Э, узр, узр, — дея кармонимни истар-истамас ён чўнтагимга солиб қўйдим. Унинг чиройи чарақлади:

— Мен пулнимас, ишқибозларни ёқтираман; ишқибозлар қанча кўпайса, мен шунча семираман. Негаки, гулда ҳикмат кўп, уни қадрловчилар ҳам беҳикмат эмас; нафисликни севадилар, ҳаётни севадилар. Кўриб турибман, сиз ҳам ишқибозлардансиз. Бир даста гул сиздан айлансин! Гапнинг очиғи, менга қолса, ҳаммага гул улашгим келади, гул улашсам, худди умр улашаётгандек бўламан...

Типирчилаб турганимдан шошаётганимни фаҳмлаган Раҳмат ака зудлик билан гулдаста ясаб чиқди. Уни авайлабгина бағримга олдиму қайта-қайта кўл қисишиб хайрлашдим. Такси лочиндек учди. Универмагда туш-а, атр-упа бўлимига югурдим. Ҳайрият, иш вақти тугаб қолдимикан, деб қўрқувдим, сездо қилаётган экан. О, қарашлари мунчаям маъсум, мунчаям чиройли!

Бас, қачонгача иккиланаман, қачонгача йигитона жасоратни елга совураман! Командирига ҳисобот бераётган аскардек ўзимни ғоз тутдим-да:

— Мана шу сизга! — дея ранго-ранг ёқут парчаларидек тиниқ, ял-ял чиннигул бойламини унга узатдим. —

Қат-қатида табиатнинг ҳуш нафаси,
Қат-қатида ёниқ қалблар алангаси.
Келтирди бу жаннат гулин тилмоч этиб
Гулчеҳра бир дилрабога ишқ бандаси.
Юрт файзию зийнати жо қат-қатида!
Қат-қатида балқир баҳор латофати,
Қат-қатида кўз гавҳарин фарофати.
Турфа ранглар жилосида, жилосида,
Билмам, қулмиш қай кўнгилнинг саодати.
Юрт файзию зийнати жо қат-қатида!

Сотувчи қиз гулдастани олар экан, ҳам қизариб, ҳам титраб кетди:

— Раҳмат...

Ямин ҚУРБОН.

(Э Т Ю Д)

Чамаси чошгоҳларда уни авайлабгина портфелга солдим-да, уйдан чиқдим. Кетаяпман, юрагимда ғул-ғула: азизим, мана шу мендан сизга эсдалик, десам, балки олар, хатто севинчи ичига сиғмай атрофимда парвона бўлар; ким биласин, эҳтимол, суратимни рухсатимсиз чизишга нима ҳаққингиз бор, деб қолар. О, унда... Йўқ-йўқ, яхшиси, уйимнинг тўрига қўяман, ҳар куни у билан унсиз суҳбатлашаман, улфатлашаман.

Ички мунозаралар тўлқинида сотувчи қиз ҳузурига етдим. Гул-гул очилиб савдо қилаяпти! Ҳайкалдек қотиб қолдим. Шунда у икки-уч марта дам менга, дам шиша гулдондаги бир дона қулф уриб турган чиннигулга кўз қирини ташлаб қўйди.

Ажиб ишора, сирли ишора. Дарвоқе, чиннигул биродарлик рамзи-ку; осудалик, ёшлик, муҳаббат рамзи-ку! Балки унинг бу ишораси менга майлидан даракдир?!

Аъзойи баданим тандирдек қизиди. Ташқарига чиқдиму гул дўконларини чарх айлана кетдим. Аксига олишини қарангки, ҳеч бирида чиннигул йўғ-а, эрталабоқ таланиб кетибди.

Яқиндагина учқунлай бошлаган қор қуюқлашар, мен эсам поезддан кечга қолаётган кимсадек югуриб-елардим. Охири гул бозорига бордим. Ана гулераклар, садасимон каштанлару уфқларга туташ сокин мевазорлар ҳуш келибсиз, деяётгандек, гала-гала саъваларру жуфт-жуфт майналарнинг рақсу-ялласи инсон шаънинг шарафлаётгандек. Бирам енгил тортдимки, бирам тўлқинланиб кетдимки, қор кўрпасига юмаланиб-юмаланиб қийқиргим келди, қийқиргим! Шу пайт, қоровул бўлса керак, дарвоза ёнидаги хонадан паст бўйли, малларанг бир одам чиқди:

— Йўл бўлсин, хизмат?

— Ассаломуалайкум! Кечиресиз, менга Раҳмат ака керак эдилар.

— Ўзида, — деди у мулойим жилмайиб. — Манов йўлдан тўғри боринг-да, ҳу анави беҳилар ёнбошидан ўнгга бурилсангиз, ойнабанд гулхоналар келади, Раҳматжоннинг гулхоналари.

У киши айтган йўл билан бориб, қизлар чопиқ қилаётган иссиқхонани тиқилдатдим. Эшик очилиши билан димоғимга ғоят ҳушёким, муаттар бўй гуп этиб урилди.

— Келсинлар, қани, ичкарига!

Кирдим. Эшик ёпилди.

— Менга Раҳмат ака керак эдилар. Илтимос, бир минутга!

Наргизлар, суманбарлар оралаб, олам узра тенги йўқ, ўхшашн йўқ чиннигуллар... оралаб юрган ёқимтойгина, қорамағиз йигит бир пиёла

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Эртага соат еттида (спектакль). 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Езувчи Д. Фурманов ижодининг саҳифалари. 17.10 — Биз табиат билан таништамиз. 17.30 — Фан оламида. 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ўйнаб кўшиқ айтамиз. 19.30 — Телевизион очерк. 20.00 — Телевизион музикали фильм премьераси. 20.35 — «Шимолий флот юнгаси» (бадиий фильм. 22.00 — «Вақт». 22.30. — Концерт 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — «Қизил елканлар» (бадиий фильм). 18.30 — «Старшеклассник» 19.15 — Ўзбек цирки усталари. Ҳ. Зарипов. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — «Зарбдор меҳнатимиз — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 20.20 — Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз Флоти кунига. «Жангларда тобланганлар». 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Концерт. 21.50 — «Ўзбекистон» телекижурнали. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — «Қишлоқ ҳаёти» программаси. 22.50 — В. Гафуров. «Бафодор» (кўп серияли телеспектакль. 2-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Икки океан сири» (бадиий фильм. 2-серия). 20.10 — Ўқитувчи окрани. 20.40 — Янгиликлар. 21.00 — Назарий механика.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22 II да Оқшомдан тушгача, 23 II да Пўртана, 24 II да Келинлар қўзғолони (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21 II да Нурҳон, 23 II да Туриман қизи, 24 II да Олифта.

ЎЗБЕ ҚДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22 II да Ишқ қурбонлари (10.30), 23 II да Беш кунлик қуёв (17.30), 24 II да Скапеннинг ҳийласи (16.00).

Кино

Ҳимоя учун сўз — САНЪАТ САРОЙИ (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Ҳимоя учун сўз — «ВОСТОК» (11, 13, 15, 18.30, 20, 21.30) «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Кексалар учун эрмак — С. РАҲИМОВ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.00), «ЯНГИОБОД» (11, 13, 15, 17, 19.00).

Малиновкада тўй — «МИР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

ДОҲИЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Оҳунбобоев номидаги Республика ўзбек Давлат ёш томошабинлар театрининг ижодий коллективи доҳий хотираси кунига бағишлаб, совет драматурги Юрий Яковлев қаламига мансуб «Нури дийдам Володя» драмасини қайтадан саҳнага қўйди.

Саҳналаштирувчи режиссёр Ҳ. Аппонов, ўша замон руҳига мос саҳна безакларини Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати рассом Т. Шораҳимов чизган. Драматик ҳолатларни ифода этувчи музикаларни бастакор, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати Р. Ҳамроев басталаган.

Асар, Володянинг ўсмирлик йиллари, унинг Қозон университетига кириши, акаси Александр Ульяновнинг қатл этилиши, революцион тўгаракларда иш олиб бориши ва илк революцион қадамлари ҳақида ҳикоя қилади.

Володя родини, театрнинг етакчи актёрларидан, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳайрулла Саъдуллаев, Володянинг акаси Александр образини эса, талантли актёр, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳайрулла Саъдиевлар ишонарли ва ҳаётий тарзда олиб чиқишган. Қолган ролларни Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Йўлдошева, республикада хизмат кўрсатган артистлар В. Қодиров, О. Толипов, актёрлардан Т. Ҳамдамова, Т. Миралиев, Н. Абдуллаев, Е. Қутлиев, Ҳ. Каримов, Ш. Зиёмуҳамедов, Х. Низомиддинов, М. Комилова ва бошқалар маҳорат билан ижро этишмоқда.

Ижодий коллективнинг бу ҳайрли ишини томошабинлар илиқ қарши олишди.

А. ЖЎРАЕВ.

Спорт

СОБИР РЎЗИЕВ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Киевда қиличбозлик бўйича биринчи йирик халқаро турнир мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда Чехословакия, Польша, Румыния, Куба, Италия, Франция, Германия Федератив Республикаси спортчилари, Москва, РСФСР, Украина, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистоннинг энг кучли қиличбозлари иштирок этишди.

Тошкентлик халқаро класслдаги спорт мастери Собир Рўзиев турнирни ғалаба билан якунлаб, жаҳоннинг энг кучли 130 га яқин рапирачилари ўртасида биринчи ўринни эгаллади ва бош совринни қўлга киритди. Ҳамшаҳаримиз айниқса олимпиада мусобақаларининг совриндори Александр Романков устидан қозонган ғалабаси чиройли бўлди.

КУЧЛИ ПОЛВОНЛАР ТОШКЕНТГА ТЎПЛАНАДИ

Классик кураш бўйича мамлакат чемпионати Тошкентда ўтказилади. Кўп сонли спорт муҳлислари 4-5-6 мартда пойтахтдаги «Юбилей» спорт залида олимпиада ўйинлари, жаҳон, Европа, мамлакат мусобақалари ғолибларининг олишувларини томоша қилишади. Бўлар орасида муҳлисларга яхши таниш бўлган А. Колчинский, В. Рязанов, А. Биков ва бошқа полвонлар бор. Республикамиз терма командасини Европа чемпиони В. Аникин ҳамда Бутуниттифоқ мусобақаларининг бирнеча бор совриндори К. Фаткулинлар бошқаришади.

ЖАҲОН РЕКОРДИ

Минск шаҳрида мерганлик спорти бўйича мамлакат Қуролли Кучларининг биринчилиги бўлиб ўтди. Бунда Туркистон ҳарбий округи спортчилари ҳам иштирок этишди. Тошкентлик прапорщик Димитрий Чесноков «югурувчи тўнғиз»ни нишонга олишда ҳаммадан кўп 390 очко тўплаб, жаҳоннинг янги рекордини ўрнатди.

С. ДАВИДОВ — РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

Халқаро шашка бўйича республика XXI чемпионати ниҳоясига етди. Халқаро мастер С. Давидов 17 имконияти дан 15,5 очко тўплаб биринчи ўринни олди ва республика чемпиони унвонини қўлга киритди. У мусобақа давомида бирон марта ҳам мағлубиятга учрамади. Самарқандлик М. Фозилов ҳам 15,5 очко тўплади. Лекин очколар коэффициентига кўра иккинчи ўринда қолди. Ўтган йилги чемпион Виктор Александров 13 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Бош дорихоналар бошқармаси, Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлими ва Тошкент область ижроия комитетининг дорихоналар бошқармаси коллективлари область дорихоналар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Антонина Фёдоровна ЗОЛОТАРЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент область ички ишлар бошқармаси Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги

Саватбек ОДИЛОВнинг

фожиали ҳалок бўлганини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг Республика музика мактаб-интернати коллективи мактаб-интернат директорининг ўринбосари У. К. Юнусова ота-си

Қурбонали ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 01222. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1568.